



**АХБОРОТ ВА АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ДИНАМИКАСИ  
 КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ**

**Холикулов Анвар Нематович**

**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, и.ф.н.**

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада ахборот ва алоқа хизматларининг ривожланиш динамикаси кўрсаткичлари ҳамда ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат соҳаларида яратилган ялпи қўшилган қийматнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши таҳлили келтирилган.

**Калит сўзлар:** Ахборот, алоқа, хизмат, хизмат кўрсатиш, хизмат турлари, хизмат кўрсатиш корхоналари.

**АНАЛИЗ ПОКАЗАТЕЛЕЙ ДИНАМИКИ РАЗВИТИЯ ИНФОРМАЦИОННО-  
 СВЯЗНЫХ УСЛУГ**

**Холикулов Анвар Нематович**

**Профессор Самарқандского института экономики и сервиса, доктор исторических наук**

**АННОТАЦИЯ**

В данной статье представлены показатели динамики развития информационно-коммуникационных услуг и анализ доли валовой добавленной стоимости в валовом внутреннем продукте в экономике экономики и в сфере электроники.

**Ключевые слова:** Информация, связь, сервис, сервис, сервисные предприятия.

**ANALYSIS OF THE DYNAMICS OF INFORMATION AND COMMUNICATION  
 SERVICES DEVELOPMENT**

**Kholiqulov Anvar Nematovich**

**Professor at Samarkand Institute of Economics and Service, Doctor of Historical Sciences**

**ABSTRACT**

This article presents the indicators of the dynamics of the development of information and communication services and the analysis of the share of the gross added value in the gross domestic product in the economy of the economy and in the field of electronics.

**Key words:** Information, communication, service, service, service enterprises.

Корхоналарнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун оқилона бошқарув қарорини қабул қилиш, аввалги тажриба ва таҳлилларга таяниш ҳар доим ҳам самарали бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун шундай бир механизм ишлаб чиқиш керакки, у корхонанинг рақобатбардошлигини таъминлашга катта хизмат қилсин, бунинг учун монополияга қарши бошқарув тизимини такомиллаштиришда ахборот шаффофлигидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ахборотлар шаффофлигини таъминлашда мамлакат аҳолисининг маълумотлар олиши қай даражада эканлиги билан белгиланади. Мамлакатимизда ҳам хизмат турлари бўйича интернетга кириш имкониятига эга бўлган уй хўжаликларининг улуши кейинги йилларда умумий ҳолатда ошиб бормоқда (3-жадвал).

**3-жадвал**

**Мамлакатимизда хизмат турлари бўйича интернетга кириш имкониятига эга бўлган  
 уй хўжаликларининг улуши**

**(уй хўжаликлари танлама кузатув натижаларига асосан, фоизда)**

<b>Кўрсаткич номи</b>	<b>2017</b>	<b>2018</b>	<b>2019</b>	<b>2020</b>
-----------------------	-------------	-------------	-------------	-------------



Қайд қилинган (симли) тор йўлакли тармоқ	1,3	1,1	0,6	0,6
Қайд қилинган (симли) кенг йўлакли тармоқ	2,3	2,4	0,3	1,2
Қайд қилинган ер устидаги (симсиз) кенг йўлакли тармоқ	3,4	5,3	6,6	8,1
Сунъий йўлдошли кенг йўлакли тармоқ(сунъий йўлдош алоқаси орқали)	0	0	4,9	5,1
Портатив қурилмадан фойдаланиладиган кенг йўлакли мобил тармоқ	66,3	68,2	84,2	86,1
Компютерга мослаштирилган SIM-карта ёки USB модемдан-фойдаланиладиган кенг йўлакли мобил тармоқ	12,3	9,7	1,6	0,2

3-жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, кейинги йилларда мамлакатимизда қайд қилинган (симли) тор йўлакли тармоқ, қайд қилинган (симли) кенг йўлакли тармоқ, ҳамда компютерга мослаштирилган SIM-карта ёки USB модемдан-фойдаланиладиган кенг йўлакли мобил тармоқ орқали уланиш 2017 йилга нисбатан 2020 йилда камайган. Чунки ҳозирги ахборот технологиялари ривожланган бу даврда ҳақиқатдан ҳам бу тармоқлардан фойдаланиш ўзининг самарасини бермаяпти. Аксинча, қайд қилинган ер устидаги (симсиз) кенг йўлакли тармоқ, Сунъий йўлдошли кенг йўлакли тармоқ(сунъий йўлдош алоқаси орқали), портатив қурилмадан фойдаланиладиган кенг йўлакли мобил тармоқлар самарси ортиб бомоқда.

Корхонанинг рақобатбардошлигини ошириш учун нафақат энг муҳим кўрсаткичлар ва омилларни аниқлаш, балки ушбу параметрларни мунтазам равишда таҳлил қилиш керак. Таҳлилнинг асосий вазифаси бўлиб ўрганилаётган объектнинг рақобатбардошлик даражаси таркибидаги корхоналарнинг мутаносиблигини аниқлаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳисобланади. Монополияга қарши бошқарув тизимини такомиллаштиришда ахборот шаффофлигини таъминловчи кўрсаткичлар ҳолати таҳлили олиб борилганда албатта, ахборот ва алоқа соҳасида фаолият олиб бораётган кадрлар турмуш даражаси қандайлиги алоҳида аҳамият касб этади. Мамлакатимизда асосий иқтисодий фаолият тури “ахборот ва алоқа” бўлган юридик шахсларда ишловчи ходимларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал иш ҳақи 2015-2021 йиллар оралиғида 3,17 марта ошган (4-жадвал).

**4-жадвал**


**Мамлакатимизда асосий иқтисодий фаолият тури “ахборот ва алоқа” бўлган юридик шахсларда ишловчи ходимларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал иш ҳақи динамикаси (минг сўм)**

Худудлар	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Ўзбекистон Республикаси	759,7	042,2	502,2	329,6	968,8	390,5	577,2
Қорақалпоғистон Республикаси	132,6	276,5	552,6	948,9	322,3	437,0	841,4



Андижон	1 004,7	1 029,4	1 294,4	1 779,1	2 138,5	2 278,0	2 824,2
Бухоро	1 117,4	1 135,3	1 405,5	1 819,9	2 216,9	2 594,7	3 018,3
Жиззах	1 164,2	1 234,6	1 481,7	1 897,1	2 022,8	2 812,3	3 650,8
Қашқадарё	1 032,4	1 116,8	1 391,7	1 794,3	2 194,6	2 529,8	3 155,9
Навоий	1 109,5	1 159,0	1 447,1	1 870,0	2 068,6	2 538,8	3 090,2
Наманган	1 032,0	1 164,2	1 394,9	1 934,6	2 397,9	2 427,4	2 945,9
Самарқанд	9 43,0	1 063,2	1 303,7	1 557,6	1 894,8	2 410,8	3 438,2
Сурхондарё	1 054,1	1 124,0	1 426,3	1 896,2	2 208,3	2 743,7	3 945,6
Сирдарё	1 216,5	1 265,3	1 528,3	1 353,5	2 004,6	2 460,1	2 926,0
Тошкент	1 106,2	1 261,0	1 770,3	2 272,7	2 214,6	2 181,8	3 060,3
Фарғона	1 020,4	1 101,6	1 474,2	1 895,4	2 232,5	2 472,2	2 940,3
Хоразм	9 92,4	1 100,2	1 375,9	1 779,7	2 076,0	2 408,8	2 964,8
Тошкент.ш	2 256,0	2 650,6	3 181,7	4 212,7	4 953,0	5 512,0	6 851,2

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, мамлакатимизда асосий иқтисодий фаолият тури “ахборот ва алоқа” бўлган юридик шахсларда ишловчи ходимларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал иш ҳақи энг юқори ҳудуд Тошкент шаҳри бўлиб ҳисобланади. Бошқа ҳудудларга қараганда 2 баробар кўп. 2015-2021 йиллар давр оралиғида бу кўрсаткич бўйича ўсиш энг юқори ҳудуд Самарқанд вилояти бўлган (3438,2/943,0=3,65 марта). Шундай юқори ўсиш бўлганлиги билан Республика ўртача кўрсаткичидан 1,62 марта (5577,2/3438,2) кам, Тошкент шаҳридан бўлса деярли 2 марта кам (2-расм).



**2-расм. 2015-2021 йиллар мобайнида Мамлакатимизда ва Самарқанд вилоятида асосий иқтисодий фаолият тури “ахборот ва алоқа” бўлган юридик шахсларда ишловчи ходимларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал иш ҳақи динамикаси**

Мамлакатимизда “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси” қабул қилинди. Хужжатга кўра, 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси ва Ўзбекистонни 2030 йилгача инновацион ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари тасдиқланди. Мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлик даражасини оширишда бугунги кунда ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат соҳаларининг ўрни бор. Айниқса ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат соҳаларида яратилган ялпи қўшилган қийматнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши қай даржада эканлигини таҳлил қилиб боришимиз зарур. Бунунинг учун қуйидаги 5-жадвални келтираемиз.

**5-жадвал**

**Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат соҳаларида яратилган ялпи қўшилган қийматнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши (Ялпи қўшилган қийматга нисбатан %)**

Кўрсаткичлар	2015	2016	2017	2018	2019	2020
<b>Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат сектори</b>	<b>1,9</b>	<b>2,1</b>	<b>2,3</b>	<b>2,1</b>	<b>1,8</b>	<b>2,0</b>
Ахборот коммуникация технологиялари (АКТ) сектори	1,8	2,0	2,1	1,9	1,6	1,7
АКТ ишлаб чиқариш	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1
АКТ савдоси	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,0
АКТ хизматлари	1,6	1,8	1,9	1,7	1,4	1,5
Контент сектори ва оммавий ахборот воситалари	0,1	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2
Электрон тижорат			0,0	0,0	0,1	0,1

Жадвал маълумотларига қарайдиган бўлсак, ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат соҳаларида яратилган қийматнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 0,1 фоизга ошган. Бу кўрсаткич жуда кам, чунки ҳозирги рақамли иқтисодиёт шароитида бу соҳанинг Ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2,0 фоизни ташкил этишини ижобий баҳолаб бўлмайди.

Мамлакатимизда монополияга қарши бошқарув тизимини такомиллаштиришда ахборот шаффофлигини таъминлашда олиб борилаётган ишлар ҳолатини умумий ҳолатда



ижобий деб баҳолашимиз мумкин, чунки барча кўрсаткичлар фақат ўсиш тенденциясига эга бўлган. Лекин ижобий баҳоланган билан ривожланиш даражасини кетарли даражада деб айта олмаймиз, сабаби 2015-2020 йиллар мобайнида ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат соҳаларида яратилган ялпи қўшилган қийматнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши атиги 0,1 фоизга ўсишга эришиб 2,0 фоизни ташкил этган.

Мамлакатимизда монополияга қарши бошқарув тизимини такомиллаштиришда ахборот шаффофлигини таъминлаш механизми - бу ички ва ташқи манфаатлар нуқтаи-назаридан кучли рақобат муҳотида хавф солувчи таҳдидларга муносиб жавоб бериш имкониятини бера оладиган механизмдир. Мамлакатимизда монополияга қарши бошқарув тизимини такомиллаштиришда ахборот шаффофлигини таъминлаш механизми бозордаги рақиб маҳсулотларга нисбатан устунлик томонларини кенгайтириш, фарқли ижобий хусусиятларини ошириш имкониятини беради

#### **ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. **Ўзбекистон Республикаси миллий ҳисоботлари 2015–2021**. Тошкент, 2022.
2. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги. **Ахборот-коммуникация технологиялари сектори ривожланиш ҳисоботи**, 2021.
3. Мирзаев М. **Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат: назарий асослар ва амалиёт**, Тошкент, 2020.
4. Холиқулов А.Н. **Ахборот ва алоқа хизматларининг ривожланиш тенденциялари**, Самарқанд, 2021.
5. World Bank. **Digital Economy in Central Asia: ICT Access and Usage Statistics**, Washington DC, 2020.
6. United Nations Conference on Trade and Development (UNCTAD). **Information Economy Report 2020: Digitalization and E-Commerce**, Geneva, 2020.
7. Ўзбекистон Республикаси **Инновацион ривожлантириш стратегияси 2019–2021**, Тошкент, 2019.